

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“UZTRADE” АЖ**

акциядорлар (иштирокчилар) умумий  
йиғилишининг (муассиснинг)  
2023 йил **“16”** **10** даги қарори  
(буйруғи) билан

Ф.И.Ш.



**“UZTRADE” акциядорлик жамиятининг  
ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Тошкент – 2023 йил

2  
**МУНДАРИЖА**

I. Умумий қоидалар	3
II. Асосий түшунчалар	3
III. Ижроия органига ҳақ түлаш тартиби ва миқдори	4
IV. Ижроия органига рағбатлантириш түловларини түлашдаги чекловлар	8
V. Ижроия органини рағбатлантириш манбалари	9
VI. Якунловчи қоидалар	9

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (*кейинги ўринларда - Низом*) “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 мартағи ПҚ-101-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори ва 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом, Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ҳамда “UZTRADE” АЖ (кейинги ўринларда - Корхона) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу низом корхона ижроия органини муносиб моддий рағбатлантириш ҳамда корхона молия-хўжалик фаолияти натижадорлиги учун ижроия органи манфаатдорлигини ошириш мақсадида, корхонанинг ижроия органига ҳақ тўлаш асоси, рағбатлантириши ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш манбаларини белгилайди.

3. Корхонанинг ижроия органи учун ҳақ ва рағбатлантириш пулларини ҳисоблаш ва тўлашда иштирок этадиган барча ходимлари учун низом талаблари бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Корхона акциядор (иштирокчи)ларининг умумий йиғилиши, ягона акциядори (иштирокчиси), муассиси ижроия органига қўшимча рағбатлантириш тўловларини тўламаслик ва (ёки) харажатларни қопламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга, Кузатув кенгashi ва унинг қошидаги Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмитанинг (*кейинги ўринларда – Қўмита*) ижроия органига қўшимча рағбатлантириш тўловларини тўлаш ва (ёки) харажатларни қоплаш бўйича тавсияларини инобатга олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш хукуқига эга.

## II. Асосий тушунчалар

5. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ижроия органи** – корхонанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишни амалга оширувчи директор (бошқарув раиси, раҳбар) ёки корхона бошқаруви.

**Корхона бошқарув органи** – акциядор (иштирокчи)лар умумий йиғилиши, ягона акциядор (иштирокчи), кузатув кенгashi, муассис.

**Бизнес-режа** – корхона молия-хўжалик фаолиятининг асосий режа кўрсаткичларини ҳамда ҳисбот даври учун кўрсаткичларни чораклар кесимидағи мақсадли қийматларини акс эттирувчи, бошқарув органи томонидан тасдиқланган (маъқулланган) хужжат.

**Самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари (СМК)** – корхона бизнес-режасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида акс эттириладиган корхонанинг стратегик ривожланиш режаларига асосланган, ижроия органи фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган, миқдорий ўлчовга оид баҳолаш мезонларидан иборатdir.

**Самарадорликнинг йигинди кўрсаткичи (СИК)** – корхона ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК) бўйича ўртacha хисобланган миқдори.

**Бонус** – ижроия органининг йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланган ҳамда соф фойданинг режа кўрсаткичи бажарилган тақдирда, унга корхонанинг тегишли бошқарув органи қарорига асосан бир йўла тўланадиган қўшимча рағбатлантириш тури.

### **III. Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори**

6. Корхона ижроия органига ҳақ тўлаш қўйидаги тўловларни ўз ичига олиши мумкин:

6.1. Лавозим маоши (оклади);

6.2. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра тўланадиган рағбатлантириш тўловлари;

6.3. Бонуслар;

6.4. Узоқ муддат хизмат қилганлик учун рағбатлантириш;

6.5. Давлат томонидан белгиланадиган ишланмайдиган байрам кунлари муносабати билан мукофотлар;

6.6. Соғлиқни тиклаш учун йилда бир марта бериладиган моддий ёрдам;

6.7. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси;

6.8. Компенсация тўловлари.

Бунда, 6.1, 6.4, 6.5, 6.6 ва 6.7 кичик бандларида кўрсатилган тўловларни амалга ошириш учун корхона бошқаруви органининг алоҳида қарорини қабул қилиш талаб этилмайди.

7. Корхона ижроия органи раҳбари ва унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ҳамда бошқарув аъзосига эгаллаб турган лавозимига, малакавий талабларига ва бажарадиган ишлари таркиби билан боғлиқ бўлган, бошқарув аъзолиги учун қўйидаги миқдорларда қатъий белгиланган лавозим маоши белгиланади:

- корхона раҳбарига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг \_\_\_\_\_ (сўз билан) баробари;

- корхона раҳбарининг биринчи ўринбосарига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг \_\_\_\_\_ (сўз билан) баробари;

- корхона раҳбарининг ўринбосарига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг \_\_\_\_\_ (сўз билан) баробари;

- корхонанинг асосий таркибий бўлинмалар раҳбарлари бўлган ижроия органи аъзоларига – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг \_\_\_\_\_ (сўз билан) баробари.

8. Корхона ижроия органи аъзоларининг лавозим маоши ҳар ойда амалда ишлаган вақти учун тўланади.

9. Рағбатлантириш ижроия органига корхонани бошқариш самарадорлигини оширишдан ва унинг ҳисбот даври учун ривожланиш стратегияси ва бизнес-

режасида белгиланган мақсадларга (режа кўрсаткичларига) эришишдан манфаатдорлигини таъминлаш учун тўланади.

Бунда, рағбатлантириш ҳар чорак ва йил якуни бўйича фаолият натижалари бўйича амалга оширилади.

10. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловлари жамиятнинг бизнес-режасида белгиланган микдорда соф фойда олинган тақдирда, фаолият самарадорлиги баҳоланганидан кейин амалга оширилади ва бажарилган ишларига мос равишда куйидаги мезонларга ажратилади: **етарли даражада эмас, ўртача даражада, етарли даражада ва юқори даражада.**

11. Корхонанинг бошқарув органи томонидан тасдиқланган корхона бизнес-режасининг кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда, СМКни бажариш бўйича ижроия органининг **ҳисоботи ҳар чоракда эшлиб борилади.**

12. Ижроия органи фаолияти самарадорлиги натижалари бўйича рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

13. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича ҳар чоракда тўланадиган рағбатлантириш тўловлари микдори **корхонанинг бизнес-режасида белгиланади**, бироқ рағбатлантириш тўловларининг энг кўп микдори лавозим маошининг (окладининг) **1 (бир)** баробари микдоридан кўп бўлиши мумкин эмас.

14. Ҳисобот даврида корхона ижроия органи раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш микдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органни моддий рағбатлантириш пули микдорини СИКга кўпайтириш йўли билан куйидаги **формула** орқали аниқланади:

**Рчор = 1 x Локд x СИК x К,** бунда:

**Рчор** – ҳисобот чораги якуни бўйича ижроия органи раҳбари ва аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш микдори;

**1** – бизнес-режада белгиланган ижроия органини раҳбари ва аъзоларини рағбатлантириш микдори (коэффициенти);

**Локд** – корхона ижроия органи раҳбари ёки ўринбосарининг амалдаги лавозим маоши (ҳисобот чораги бошига ёки меҳнат шартномаси тузилган санага);

**СИК** – ҳисобот чораги якуни бўйича СМКнинг йиғинди кўрсаткичи (коэффициенти);

**К** – куйидаги формула билан аниқланадиган, амалда ишлаган даври:

**K = Камл / Кнорм**

**Камл** – ҳисобот чорагида амалда ишлаган кунлар сони;

**Кнорм** – ҳисобот чорагида меъёр бўйича иш кунлари сони;

**Ҳисобот даврида ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг ҳақиқатда ишлаган кунларига уларнинг меҳнат таътилидаги, касаллик вақарасидаги, малака ошириши таътилидаги ва ўз ҳисобидан таътилдаги (агарда 15 календар кунидан ошмаса) бўлган кунлари сони ҳам киради.**

Бунда, бошқарув органи ёки Кўмитанинг қарорига биноан ижроия органнинг корхона фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти кўлланиши мумкин.

15. Агар СИК ва унинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида **ярмида прогноздан** (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, корхонанинг олий бошқарув орани (акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядор (иштирокчи), муассис) қарорига асосан ижроия органи раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори **бизнес-режада назарда тутилган** мукофотлаш миқдорига нисбатан **икки баробар оширилиши** мумкин.

16. Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловларини тўлаш кузатув кенгашининг (у мавжуд бўлмаганда акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядор (иштирокчи), муассис) қарорига мувофиқ ҳар чоракда амалга оширилади.

17. Агар йил (чорак) давомида корхона ижроия органи аъзолари янги таркибда сайланган бўлса ёки унинг бир ёки бир неча аъзоси ўзгарган бўлса (сайланган бўлса), у ҳолда корхона ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш тўловлари уларнинг ҳақиқатда ишлаган даврига мутаносиб равища тўланади.

18. СМК, СИК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши аудиторлик ташкилоти томонидан, йил якунлари бўйича аудит ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг алоҳида кўшимча предмети доирасида ёки алоҳида аудиторлик ташкилоти томонидан турдош хизматлари кўрсатиш йўли билан текширилиши лозим.

19. Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, илгари ҳисобланган СМК, СИК миқдори ва уларнинг бажарилиш фоизларига зарур аниқликлар киритилади. Агар СМК, СИК миқдорига ва уларнинг бажарилиши фоизларига киритилган аниқлаштиришлар натижасида:

корхонанинг ижроия органи раҳбарига ва аъзоларига тўланадиган тўловлар миқдорини яхшилаш учун уларни **кўшимча равища ҳисоблаб чиқиш зарурлиги аниқланганда** мазкур ижобий фарқ ҳисбот йилидаги иш якунлари бўйича уларга тўланадиган рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тўғриланади;

**ортиқча тўланган тўловларни ушлаб қолиш заруриятини** келтириб чиқарувчи ҳолат аниқланганда, корхонанинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларига илгари тўланган тўловлардаги салбий фарқ ҳисбот йилидаги иш якунлари бўйича уларга рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тузатилади ёки уларнинг розилиги билан **иш ҳақидан ушлаб қолинади** ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда қопланади.

20. Агар йиллик СИК миқдори **100 фоиздан** ортиқни ташкил этса ҳамда соғ фойданинг режа кўрсаткичи бажарилган бўлса, ижроия органи раҳбари ва аъзоларига корхонанинг олий бошқарув органи (акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядор (иштирокчи), муассис) қарори билан соғ фойданинг режадан ошириб бажарган қисмидан қуидаги тартибда **бонус тўланиши** мумкин:

режа 10 фоиздан 20 фоизгача ошганда бонус миқдори - **1 фоизгача**;

40 фоизгача ошганда – **2 фоизгача**;

60 фоизгача ошганда – **3 фоизгача**;

80 фоизгача ошганда – **4 фоизгача**;

100 фоизгача ва ундан ортиқ ошганда – **5 фоизгача**.

**Эслатма**, товар ёки молия бозорида устун мавқега эга корхоналарда бонус тўлаш бўйича бошқача тартиб жорий қилиниши мумкин. Бунда, ушибу корхоналарда тарифлар ва нархлар оширилмаган тақдирда (солишитирма нархларда), ишлаб чиқарини кўпайтириши ва бошқа харажсатларни оптималлаштириши ҳисобига эришилган қўшимча соф фойدادан бонус тўлаши тартиби йўлга қўйилиши мумкин.

21. Ижроия органи раҳбари ва аъзоларига бонусларни тўлаш йил якуни бўйича амалга оширилади.

22. Бонуснинг шахсий миқдори Бонус олиш хукуқига эга ҳар бир ижроия органи аъзоси учун Бонус ҳисобланадиган ҳисботот йилида ҳисобланган жами лавозим окладининг Бонус олиш хукуқига эга бўлган барча ижроия органи аъзоларига ҳисобланган лавозим окладларининг умумий миқдоридаги улушини ушибу Тартибининг 20-бандида кўрсатилган Бонус миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

23. Бонус ҳисботот йилида **6 ойдан ортиқ** ишлаган ижроия органи раҳбари ва аъзоларига тўланади.

24. Тўланган бонус миқдори тўғрисидаги ахборот тўлов амалга оширилган санадан бошлаб **икки кун муддатда** давлат иштирокидаги корхоналар расмий **веб-сайтига жойлаштирилади**.

25. Узоқ муддат хизмат қилганлик ва меҳнат натижаларига боғлиқ бўлмаган рағбатлантиришлар ижроия органи фаолияти натижалари ва самарадорликни баҳолашдан қатъи назар, қуидаги миқдорда тўланади:

а) давлат томонидан ишланмайдиган байрам кунлари муносабати билан (*Янги йил, Навruz байрами, Мустақиллик куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, "Рўза хайит" (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни, "Курбон хайит" (Ийд ал-Адҳ) диний байрамининг биринчи куни учун*) - амалдаги лавозим маошининг (оклади) **50 фоизидан** ошмаган миқдорда;

б) Узоқ муддат хизмат қилганлик учун ҳақ корхонанинг Жамоа шартномасида кўрсатилган ёки Узоқ муддат хизмат қилганлик учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга ёки корхона фаолият соҳаси учун ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, узоқ муддат хизмат қилганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори, иш стажига қараб, қуидаги миқдорларда белгиланади:

Соҳадаги иш стажи	Узоқ муддат хизмат қилганлик учун йиллик ҳақ миқдори, лавозим маошига нисбатан фоизда
2 йилдан 3 йилгacha	120
3 йилдан 5 йилгacha	140
5 йилдан 10 йилгacha	150
10 йилдан 15 йилгacha	175
15 йилдан 20 йилгacha	200
20 йил ва ундан юқори	250

26. Меҳнат таътилига чиқувчи ижроия органи раҳбари ёки аъзоларига лавозим маошининг **1 баравари** миқдорида соғлигини тиклаш учун йилда бир марта бериладиган моддий ёрдам тўланади.

Ишдаги зарурат туфайли меҳнат таътили кейинги йилга қолдирилса, кўрсатилган моддий ёрдам ҳисобот йилининг декабрь ойида тўланади.

27. Ижроия органига вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва компенсация тўловлари қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IV. Ижроия органига рағбатлантириш тўловларини тўлашдаги чекловлар**

28. Корхона ижроия органига қуидаги ҳолларда ижроия органи фаолияти **самарадорлигини баҳолаш натижалари билан боғлиқ ҳар қандай рағбатлантириш тўловлари ва Бонусларнинг ҳисоблаш ва тўлашга йўл қўйилмайди**, бундан қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

- ижроия органи фаолияти самарадорлиги **қониқарсиз ёки паст даражада баҳолангандан** ва/ёки уларнинг фаолияти умуман баҳолангандан;

- ижроия органи фаолияти самарадорлиги натижаларини Давлат активларини бошқариш агентлигининг **расмий веб-сайтида** (<https://kpi.davaktiv.uz/site/>) **эълон қилмагандан**;

- корхонанинг фаолияти тўғрисидаги қонунчилик хужжатларида белгиланган маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Давлат мулки” ахборот тизимида ўз вактида тақдим этилмагандан;

- ижроия органи раҳбари ва/ёки аъзоларига нисбатан Ҳукумат ёки Кузатув кенгаши томонидан интизомий жазо чораси “ҳайфсан” берилганда;

- корхонанинг йиллик соғ фойдаси миқдори жами тўланиши лозим бўлган рағбатлантириш маблағлари миқдоридан кам бўлганда.

Шунингдек, Қўмитанинг хulosасига асосан Кузатув кенгаши томонидан рағбатлантириш маблағларини тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

29. Ижроия органи фаолияти **самарадорлиги кетма-кет икки чорақ мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада** (ҳар қандай уйғунликда) ва/ёки умуман баҳолангандан бўлса, ёхуд унинг натижалари Давактив агентлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилмаган бўлса, корхона акциядори (иштирокчиси, муассиси) ёки кузатув кенгаши томонидан ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишига олиб келади.

Агарда ижроия органи аъзолари ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинса, унга ҳисобот давридаги белгиланган рағбатлантириши ҳисоблаш ва тўлаш корхона ижроия органи аъзоси вазифасини бажарган ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

#### **V. Ижроия органини рағбатлантириш манбалари**

30. Корхона ижроия органини рағбатлантириш тегишли бошқарув органининг қарори қабул қилингандан сўнг, 1 (бир) ой ичida тўланади.

31. Тегишли бошқарув органи қарори асосида қабул қилинадиган корхона ижроия органи раҳбари буйруғи билан рағбатлантириш амалга оширилади.

32. Корхонанинг айланма (пул) маблағлари ҳисобот даври учун ижроия органига ҳақ тўлаш манбаси ҳисобланади.

33. Корхонанинг ҳисобот даври учун соф фойдаси ижроия органига бонус тўлашнинг манбаси ҳисобланади.

## **VI. Якунловчи қоидалар**

34. Мазкур Низом Кўмита томонидан ишлаб чиқилиб, жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядор (иштирокчи), муассис қарори билан тасдиқланади.

35. Низом акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядори (иштирокчиси), муассиси қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва уни бекор қилингунга ёки рағбатлантириш тўлаш бўйича янги низом қабул қилингунга қадар амал қиласди.

Бунда, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилишининг низомни тасдиқлаш, ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори йигилишда қатнашаётган акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) кўпчилик овози билан қабул қилинади.

36. Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, корхона Уставига, ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан киритилиши мумкин.

Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар акциядорлар (иштирокчилар) умумий йигилиши, ягона акциядори (иштирокчиси), муассиси қарори билан тасдиқланганидан сўнг, кучга киради.

37. Мазкур Низомда белгиланган тўловларни амалга ошириш билан боғлик низолар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

38. Корхонанинг корпоратив бошқарув органларида низоларни ҳал этишнинг иложи бўлмаса, ўзининг қонуний хуқуқлари ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган ижроия органи аъзоси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд органларига мурожаат қилишга ҳақли.

39. Агарда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки корхонанинг Уставига киритилган ўзгартиришлар натижасида ушбу низомнинг алоҳида қоидалари (талаблари) бандлари уларга зид келса ёки мос бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки корхонанинг Устави нормалари амал қиласди.

40. Мазкур Низомга асосан корхона ижроия органига тўланадиган ҳақ миқдорлари у билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланиши лозим.